# ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ ЭЛЕКТРОН ПОРТФОЛИОСИ

**Тизимнинг мақсади:** Жисмоний тарбия ва спорт буйича мутахассислар касбий фаолияти натижаларини баҳолаш.

Электрон портфолио тизимида турли статусдаги фойдаланувчилар бўлиши керак. Уларнинг тизимга кириши учун бошланғич аутентификация саҳифаси яратилиши лозим.

**Тизимга қўйиладиган умумий талаблар:**

Тизим - администратор, Спорт таълим муассасалари ва тингловчи қисмларидан ташкил топиши керак:

- Тизим администратори кабинети:
  - *Фойдаланувчиларнинг портфолиога киритган маълумотларини кўриш;*
  - *Фойдаланувчиларнинг ва таълим муассасаларининг филтрига эга рўйхатини акс этиши;*
  - *Малака ошириш режасини назорат қилиш;*
  - *Малака ошираётганлар ва малака ошириши режалаштирилган фойдаланувчилар ҳақида маълумотларни олиш;*
  - *Фойдаланувчилар билан ёзишмаларни амалга ошириш;*
  - *Онлайн сўровномалар ўтказиш;*

- Фойдаланувчи кибинети:
  - *Шахсий кабинетига эга бўлиш;*
  - *Тингловчининг касбий фаолияти натижаларини киритиш;*
  - *Шахсий маълумотларни киритиш;*
  - *Малака ошириш тарихини кўриш;*

**Тизимга қўйиладиган техник талаблар:**

- HTML, PHP, JavaScript, JQuery, CSS каби дастурлаш тилларида ёзилиши ҳамда MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизимида ишлаши.

## 1. Электрон портфолио тизимининг администратор кабинети

Тизим администратори кабинетида қолган барча фойдаланувчиларнинг фаолиятини назорат қилиш ҳамда турли статистик маълумотларни олиш имконияти бўлиши керак.

Тизим администратори кабинетининг бош саҳифасида барча статистик маълумотлар акс этиши лозим.

### 1.1 Бош саҳифа:

- *Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари рўйхати;*
- *Жорий йилда малака ошириши режалаштирилган тингловчилар рўйхати;*
- *Малака ошириш курсларидан ўтмаган (четлатилган) тингловчилар рўйхати;*
- *Такрорий курсларда иштирок этаётган тингловчилар рўйхати;*
- *Такрорий курсларга тафсия этилганлар рўйхати;*
- *Такрорий курсларда ўқимаганлар рўйхати;*
- *Такрорий курслардан ўтмаганлар рўйхати*




***Расм 1. Тизимнинг администратор қисми статистика қисми***

Ушбу менюлар ҳавола бўлади, уларни босганда ҳар бир менюга хос рўйхат тақдим этилиши керак.

**Таълим муассасалари ва ташкилотлар рўйхати менюсида бўлиши керак бўлган устунлар номи:**

- *Таълим муассасалари номи;*
- *Бошланиш (телефон рақами, электрон почта, веб сайт);*
- *Тури (институт / филиал).*

**Малака ошириши режалаштирилган тингловчилар рўйхати менюсида бўлиши керак бўлган устунлар номи:**

- *Тингловчининг id рақами;*
- *Тингловчининг ФИО;*
- *Балл(Вазирлар Махкамасининг 355-сонли қарорида белгиланган мезонлардан олинади);*
- *Курс натижаси (курсга келмаган / якунланмаган);*
- *Изоҳ (масофадан / кундузги);*
- *Курс тили (uzb / рус.)*

**Малака ошириш курсларидан ўтмаган тингловчилар рўйхати менюсида бўлиши керак бўлган устунлар номи:**

- *Тингловчининг id рақами;*
- *Тингловчининг ФИО;*
- *Тингловчининг логини;*
- *Тингловчининг пароли;*
- *Ўчириш.*

**Такрорий курсларда иштирок этаётган тингловчилар рўйхати, такрорий курсларга тафсия этилганлар рўйхати, такрорий курсларда ўқимаганлар рўйхати, такрорий курслардан ўтмаганлар рўйхати менюларида бўлиши керак бўлган устунлар номи:**

- *Тингловчининг id рақами;*
- *Тингловчининг ФИО;*
- *Таълим муассасалари ва ташкилотлар;*
- *Йўналиш;*
- *Малака ошириш (вақти).*

Ҳар бир очилган рўйхатда **4 турдаги филтр** бўлиши керак:

- *Йиллар кесимидаги филтр;*

- *Ойлар кесимидаги филтр;*
- *Таълим муассасалари ва ташкилотлар;*
- *Спорт турлари кесимида филтр;*
- *Касбий фаолият натижалари бўйича филтр;*
- *Йўналишлар кесимидаги филтр.*

Ушбу филтрларни бошқариш орқали очилган рўйхат йиллар, ойлар, таълим муассасалари ва ташкилотлар ҳамда йўналишлар кесимида тақдим этиш хусусиятига эга бўлиши керак.




***Расм 2. Жорий йилда малака ошириши режалаштирилган тингловчилар рўйхати ойнасида филтрлар ва устунлар кўриниши***

### 1.2. Ён панел

Электрон портфоли тизимининг ён панели тизим администраторининг иш фаолиятини оптималлаштириш учун маълум менюларга эга бўлиши керак.

#### 1.2.1. Профил менюси

Профил менюси тизим фойдаланувчисининг шахсий маълумотларини кўриш ва таҳрирлаш имконияти бўлиши керак.

Тизим фойдаланувчиси қўйидаги шахсий маълумотларини киритиши ва таҳрирлаши мумкин бўлиши керак:

- *Фойдаланувчи Ф.И.О;*

- *Алоқа маълумотлари (Электрон почта, телефон рақами);*
- *Расм киритиш ва ўзгартириш;*
- *Паролини ўзгартириш*

**1.2.2. Портфолио менюси**

Портфолио менюсида ушбу тизимда ўз Тингловчиик фаолиятларини киритаётган Тингловчилар ҳаракати акс этган турли статистик маълумотлар акс этиши керак, жумладан:

- *Намунавий ўқитувчилар;*
- *Сўнгги ёзишувлар;*
- *Тизимда янгилар;*
- *Салоҳият*
- *Йиллар кесимида режанинг бажарилиши;*
- *Таълим муассасалари, ташкилотлар ва вилоятлар, спорт турлари кесимида жорий сана холатига кўра малака оширган тингловчилар ҳақида маълумот;*

**1.2.3. Тингловчининг киритган маълумотларини кўриш ва тахрирлаш**

Ушбу ойна очилганда биринчи навбатда танланган Тингловчининг шайхсий, иш жойи, маълумоти ва малака оширган даврийлиги ҳақидаги маълумотлар акс этиши керак.

**Шахсий маълумотларидан:**

- *ФИО;*
- *Миллати;*
- *Жинси;*
- *Туғилган санаси;*
- *Паспорт серияси;*
- *Шахсий идентификация рақами (ЖШИР);*
- *Маълумоти;*
- *Логин;*
- *Электрон почта.*

**Иш жойи ҳақидаги маълумотларидан:**

- *Таълим муассасаси;*
- *Факультет;*
- *Кафедра;*
- *Вилояти;*
- *Тумани;*
- *Алоқа маълумотлари.*

**Маълумотидан:**

- *Тахсил олган олий таълим муассасаси;*
- *Мутахасислиги;*
- *Тингловчиик стажи;*
- *Илмий даражаси;*
- *Илмий унвони;*
- *Фахрий унвони;*
- *Дарс берадиган фанлари.*

**Малака ошириш даврийлиги маълумотларидан:**

- *Малака оширган муассаса;*
- *Малака оширганлик санаси;*
- *Малака ошириш йўналиши;*
- *Малака ошириш тури.*

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассиснинг юқоридаги маълумотларидан сўнг, у томонидан тизимга киритилган маълумотлар 4 та устунда акс этиши керак.

| **Фаолият тури** | | **Маълумот** | **Илова** | **Балл** |
|---|---|---|---|---|
| Илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш **(Max: 6)** | | Халқаро миқёсда<br>Конференция бўлиб ўтган жой<br>Конференция мавзуси<br>Иштирок санаси<br>Тезис номланиши<br>Ҳаммуаллифлар сони<br>Тизимга киритилган сана | *Фаолият натижаси расми кўриниши керак* | 2 |

***Жадвал 1. Тингловчи томонидан киритилган касбий фаолияти натижаларининг тизимда акс этиши***

Тингловчи томонидан киритилган маълумотларни масъул шахс томонидан фаол ёки нофаол ҳолатга келтириш тугмаси бўлиши керак. Бу тугма киритилган маълумотдан олдинги устунга қўйилиши керак. Ушбу тугма босилганда қалқиб чиқувчи ойнада фаол ёки нофаол холатга келтириш тасдиқланиши керак.




***Расм 3. Маълумотни фаол ёки нофаол ҳолатга келтиришни тасдиқлаш учун қалқиб чиқувчи ойна***

### 2.2.1. Профил менюси

Профил менюси тизим фойдаланувчисининг шахсий маълумотларини кўриш ва тахрирлаш имконияти бўлиши керак.

Тизим фойдаланувчиси қўйидаги шахсий маълумотларини киритиши ва тахрирлаши мумкин бўлиши керак:

- *Фойдаланувчи Ф.И.О;*
- *Алоқа маълумотлари (Электрон почта, телефон рақами);*
- *Расм киритиш ва ўзгартириш;*
- *Паролини ўзгартириш*

### 2.2.2. Режани шакллантириш менюси

Режани шакллантириш менюси таълим муассасалари кабинетининг асосий менюларидан бири ҳисобланади. Ушбу менюда таълим муассасалари ва ташкилотлари тингловчиларининг малака ошириш режаси шакллантирилади.

Режани шакллантириш бир неча қадамлардан иборат бўлиши керак.

**Биринчи қадам:**

Режани шакллантириш менюси очилганда 3 та тугма:

- *Режани шакллантириш (1-вариант);*
- *Режани шакллантириш (2-вариант);*
- *Малака ошириш (йил);*

Режани шакллантириш (1-вариант) тугмаси фаоллаштирилганда таълим муассасаларида сўнгги 4 йилда малака оширмаган Тингловчилар рўйхати кўриниши керак бўлади. Бу рўйхатда:

- *Тингловчи id си;*
- *Тингловчи Ф.И.О.;*

| ID | Тингловчилар |
|---|---|
| Тингловчи id си | Тингловчи Ф.И.О. (ҳавола) |
| Тингловчи id си | Тингловчи Ф.И.О. (ҳавола) |
| Тингловчи id си | Тингловчи Ф.И.О. (ҳавола) |
| Тингловчи id си | Тингловчи Ф.И.О. (ҳавола) |
| Тингловчи id си | Тингловчи Ф.И.О. (ҳавола) |
| Тингловчи id си | Тингловчи Ф.И.О. (ҳавола) |
| Тингловчи id си | Тингловчи Ф.И.О. (ҳавола) |

***Расм 5. Сўнгги 3 йилда малака оширмаган Тингловчилар рўйхати***

Бу рўйхатда тингловчининг Ф.И.О. ҳавола бўлиши керак. Тингловчининг Ф.И.О. босилганда кейинги блок актив ҳолатга келиши керак. Ушбу блокда:

- *Тингловчининг расми;*
- *Тингловчининг Ф.И.О.;*
- *Мутахасислиги;*
- *Сўнги малака оширган маълумотлари;*
- *Йўналишлар номи (танлаш имкони бўлиши керак);*
- *Ҳолати (cheack box тегидан фойдаланиб):*
  - *Лойиқ;*
  - *Пенсия ёшида;*

- *Ногирон;*
- *Ёш болали аёл;*

➢ *Кейинги қадам (тугма).*

| Тингловчининг расми | Тингловчи Ф.И.О. | |
|---|---|---|
| Мутахасислиги | Тингловчи мутахасислиги | |
| Фанлари | Тингловчи дарс берадиган фанлари | |

Малака оширган институт/филиал номи
Малка оширган йўналиш номи
Курсларнинг туганланганлиги холати

Малака оширган вақти

Йўналиш
Институт/филиал ва Институт/филиалнинг йўналишини номи
Ҳолати

| Лойиқ | Пенсия ёшида | Ногирон | Ёш болали аёл |
|---|---|---|---|

**Кейинги қадам**

***Расм 6. Тингловчининг малака ошириш йўналиши ва ҳолатини танлаш блоки***

**Тингловчининг киритган маълумотларини кўриш**

Ушбу ойна очилганда саҳифанинг юқори қисмида 4 та блок бўлиши керак.

**Биринчи блокда:**

- *Тингловчи Ф.И.О.;*
- *Мутахасислиги;*
- *Расми;*
- *Фаолияти натижаси;*
- *Портфолио бали;*
- *Портфолио балининг ҳисобланган қиймати;*
- *Таҳрирлаш тугмаси;*
- *Ўчириш тугмаси;*

Таҳрирлаш тугмаси босилганда қалқиб чиқувчи ойнада қуйидаги тартибдаги форма очилиши керак:

- ✓ *Ловозими;*
- ✓ *Тингловчилик стажи;*
- ✓ *Фанлар;*
- ✓ *Йўналиш ( select -> option теги орқали таълим муассасалари томонидан яратилган спорт турлари,кафедралар рўйхати очилиши керак);*
- ✓ *Химоя рақами ва уни киритиш жойи;*
- ✓ *Сақлаш тугмаси.*

Ўчириш тугмаси босилганда қалқиб чиқувчи ойнада қуйидаги тартибдаги форма очилиши керак:

- ✓ *Сабаб;*
- ✓ *Вақти;*
- ✓ *Химоя рақами ва уни киритиш жойи;*
- ✓ *Сақлаш тугмаси.*

**Иккинчи блокда :иш жойи ҳақидаги маълумотлари:**

- *Таълим муассасалари;*
- *Лавозими;*
- *Спорт тури;*
- *Алоқа маълумотлари.*

**Учинчи блокда: маълумоти:**

- *Тахсил олган олий таълим муассасаси;*
- *Мутахасислиги;*
- *Тингловчилик стажи;*
- *Илмий даражаси;*
- *Илмий унвони;*
- *Фахрий унвони;*
- *Дарс берадиган фан(спорт тури)лари.*

**Тўртинчи блокда: малака ошириш даврийлиги:**

- *Малака оширган муассаса;*
- *Малака оширганлик санаси;*

- *Малака ошириш йўналиши;*
- *Малака ошириш тури.*

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассиснинг юқоридаги маълумотларидан сўнг, у томонидан тизимга киритилган маълумотлар фотоколлаж кўринишида акс этиши керак. Ҳар бир расмда маълумот тури номи ва амал қилиш муддати кўрсатилиши керак.




***Расм 9. Тингловчининг киритган маълумотларини кўриш ойнасидаги 1-блок***

**2.2.4. Йўналишлар менюси**

Вилоятлар менюсида таълим муассасси масъул ходими томонидан яратилган ёки яратиши мумкин бўлган таълим муассасалари рўйхати сақланиши керак.

Вилоятлар менюси очилганда 7 та устунлик рўйхат очилиши керак:

- ✓ *Тартиб рақами;*
- ✓ *Вилоят номи;*
- ✓ *Туман номи;*
- ✓ *Таълим муассасаи номи;*
- ✓ *Таҳрирлаш (тугма);*
- ✓ *Ўчириш (тугма);*

Рўйхатнинг ўнг юқори қисмида таълим муассасалари қўшиш тугмаси бўлиши керак.

Ўчириш тугмаси босилганда тасдиқлаш лозим бўлган қалқиб чиқувчи ойна очилиши ва тасдиқлаш тугмалари бўлиши керак.

Йўналиш номи ҳавола бўлиши керак, йўналиш номи босилганда унинг таркибидаги таълим муассасалари рўйхати чиқиши керак. Агар йўналиш бўлмаса яаратиш имконияти ҳам шу ойнада бўлиши керак.

Таълим муассасалари рўйхати қуйидаги кўринишда акс этиши керак:

- ✓ *Тартиб рақами;*
- ✓ *Таълим муассасалари;*
- ✓ *Тингловчилар (сони);*
- ✓ *Таҳрирлаш (тугма);*
- ✓ *Ўчириш (тугма);*

Рўйхатнинг ўнг юқори қисмида йўналиш қўшиш тугмаси бўлиши керак.

Йўналиш номи ҳавола бўлиши керак, йўналиш номи босилганда унинг таркибидаги Тингловчилар рўйхати чиқиши керак. Агар тингловчилар бўлмаса яратиш имконияти ҳам шу ойнада бўлиши керак.

Йўналиш очилганда Тингловчиларнинг қуйидаги маълумотлари тақдим этилиши керак:

- ✓ *Тингловчининг id рақами;*
- ✓ *Тингловчининг Ф.И.О.;*
- ✓ *Йўналиш;*
- ✓ *Логин ва пароли;*
- ✓ *Малака ошириш/оширган вақти;*
- ✓ *Тизимга сўнги бор кирган вақти;*
- ✓ *Тизимга сўнги бор маълумот киритган вақти;*
- ✓ *Таҳрирлаш;*
- ✓ *Ўчириш.*

Рўйхатнинг ўнг юқори қисмида Тингловчи қўшиш тугмаси бўлиши керак. Ушбу тугма босилганда қуйидаги форма очилиши керак:




***Расм 10. Тингловчи яратиш ойнаси***

Бу ерда яратмоқчи бўлган Тингловчининг Ф.И.О. киритилиб излаш тугмаси босилганда, яратилаётган Тингловчини мавжуд базадан изланиши керак. Излаш тугмаси босилганда Тингловчи топилмаган ҳолда формани тўлдиришда давом этилиши керак.

Тингловчи базада мавжуд бўлса қалқиб чиқувчи ойнада қидирилган Тингловчининг шахсий маълумотлари, ҳамда Тингловчини қўшиш учун йўналиш ва санани танлаш имконияти ва қўшиш тугмаси бўлиши керак.

Биринчи форма тўлдирилгач, кейинги қадам тугмаси босилганда киритилаётган Тингловчининг маълумотини тўлдириш ойнаси очилиши керак.

Ушбу ойнада қўйидаги тўлдириладиган формалар мавжуд бўлиши керак:

- ✓ *Маълумот - 1 (йилни танлаш имкони билан);*
- ✓ *Маълумот - 2 (йилни танлаш имкони билан);*
- ✓ *Маълумот - 3 (йилни танлаш имкони билан);*
- ✓ *Илмий даража ва унвони (категорияни танлаш имкони билан);*
- ✓ *Мутахасислиги;*

Форма тўлдирилгач яна кейинги қадам тугмаси босилиб иш жойи ҳақидаги маълумотларни тўлдириш ойнаси очилиши керак. Ушбу ойнага қуйидаги маълумотлар киритилиши керак:

- ✓ *Лавозими;*
- ✓ *Ишга кириш санаси;*
- ✓ *Тингловчиик стажи;*

Форма тўлдирилгач яна кейинги қадам тугмаси босилиб боғланиш ҳақидаги маълумотларни тўлдириш ойнаси очилиши керак. Ушбу ойнага қуйидаги маълумотлар киритилиши керак:

- ✓ *Электрон почта;*
- ✓ *Телефон рақами;*
- ✓ *Расм (киритиш имкони бўлиши керак);*
- ✓ *Ҳимоя рақами ва уни киритиш майдони;*

Юқоридаги барча маълумотлар киритилгач тугмани босиб сақлаш имконияти бўлиши лозим.